

# Аёл томонидан бўлган яқинлар мероси



11:05 / 06.01.2020 2715

*(биринчи мақола)*

Аёл томонидан бўлган яқинлар араб тилида «завур-раҳм» (завул-арҳам) – «раҳм эгалари», қўполроқ қилиб айтганда, «бачадон эгалари» дейилади.

Бизнинг тилимизда бу иборага қариндош, яъни қорин орқали – она орқали яқин бўлган, она томондан қариндош деган маънолар тўғри келади. Лекин биз ҳам ота, ҳам она томонидан бўлган яқинларни «қариндош» деб ўрганиб қолганмиз. Шунинг учун «завил-арҳам»ни «она томонидан бўлган яқинлар» деб таржима қилишга мажбур бўлдик.

Мерос уламоларининг наздида эса «завул-арҳам» деб меросдаги улуши Китоб ва Суннатда кўрсатилмаган ҳамда асаба бўлмаган қариндошларга айтилади. Бу – фарз эгалари ҳам, асаба эгалари ҳам бўлмаган

қариндошлар, демакдир.

«Ибн Аббос розияллоҳу анҳу:

«Қасамингиз ила боғланганларга насибасини беринг»(га биноан,) бир киши бошқа бир киши билан қасам ичиш орқали дўстлашса, ораларида насаб бўлмаса ҳам, бири бошқасидан мерос олаверар эди. Бу нарса «Аллоҳнинг китобида қариндошлар бир-бирларига ҳақлироқдирлар» ила насх қилинди», деди».

Абу Довуд ва Дора Қутний ривоят қилганлар.

Исломнинг бошланғич даврида мерос олиш дўст тутиниш, аҳднома тузиш асосида бўлган. Бир киши иккинчисининг қўлига қўлини қўйиб туриб, «Дўст бўламиз, бир-биримизга ёрдам берамиз, ҳимоя қиламиз», деб, қасам ичишган. Сўнгра ўша аҳднома асосида яшаб, кейинчалик бир-бирларидан мерос ҳам олишган. Уларнинг бу ишлари Қуръони Каримдаги «Қасамингиз ила боғланганларга насибасини беринг» ояти билан таъкидланган. Яъни бу «Қасам ичишиб дўст бўлганларингизга меросдан насибаларини беринг», деганидир.

Ўша вақт муҳожирлар Маккадан янги кўчиб келаётган, Ислом жамияти эндигина шаклланаётган давр бўлганлиги учун ҳолат шундай қилишни тақозо қилар эди.

Кейинчалик, вақт ўтиши билан ҳамма нарса ўз жойини топди. Жумладан, аввалги вақтинчалик ҳукми – мерос олиш ҳукмини ҳам Аллоҳ таоло «Аллоҳнинг китобида қариндошлар бир-бирларига ҳақлироқдирлар» ояти билан бекор қилиб, асосий ҳукми собит этди. «Аллоҳнинг Китобида» деганда Қуръон оятларида, деган маъно назарда тутилган.

مَوَاقِلُ تَحْتِ أَنْبَاءِ لَأَقْمَلِسُو وَيَلْعَلْ لِي صَيِّبٌ لِّلْأَنْعِ، أَلْأَنْعِ لِّلْأَيْضِ رَسَنَ أَنْعِ  
مَسْمُوحٌ لِّلْأَوْرَمِ سُنْفُنَ أَنْمِ وَأَمْ مُمْنَمِ

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қавмнинг синглисининг ўғли улардандир ёки ўзларидандир», дедилар».

Бешовлари ривоят қилганлар.

